

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Ү.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ЗУЛФУҚОРОВ АБДУВАХОБ АБДУМАЛИК ЎҒЛИ

**ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ НАТИЖАСИДА ҚОЛГАН
ИЗЛАРНИНГ ТРАСОЛОГИК ТАДҚИҚОТИ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Зулфуқоров Абдувахоб Абдумалик ўғли

Йўл-транспорт ҳодисаси натижасида қолган изларнинг трасологик

тадқиқоти..... 3

Зулфуқоров Абдувахоб Абдумалик угли

Трасологическое исследование следов, образованных в результате

дорожно-транспортных происшествий..... 25

Zulfukorov Abduvaxob Abdumalik ugli

Trasological research of traces as a result of traffic accident 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үч.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ЗУЛФУҚОРОВ АБДУВАХОБ АБДУМАЛИК ЎҒЛИ

**ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ НАТИЖАСИДА ҚОЛГАН
ИЗЛАРНИНГ ТРАСОЛОГИК ТАДҚИҚОТИ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-кидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Үу276 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси <https://akadmvd.uz/oz/ads/elon-23-02-2022>) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тураббаев Хусанбек Абдусаломович юридик фанлар номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Астанов Истам Рустамович юридик фанлар доктори, профессор Ражабов Бахтиёр Алмахматович юридик фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги Университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Үу.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил 11 март куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1177-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2022 йил 26 февраль куни тарқатилди.

(2022 йил 26 февралдаги 6-рақамли реестр баённомаси).



А.С. Турсунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Дж.Х. Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

М.З. Зиёдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда йўл-транспорт ҳодисаларининг (бундан буён матнда – ЙТХ деб юритилади) олдини олиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганишда қолган изларни трасологик тадқиқ этишга бўлган талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Айниқса, ЙТХни содир этган транспорт воситалари излари, уларнинг тўқнашуви натижасидаги изларнинг ҳосил бўлиш механизмини аниқлаш, мазкур излар транспорт воситасининг одам танаси билан тўқнашиши натижасида ҳосил бўлганлигини тасдиқловчи ёки инкор этувчи ҳолатларни, одам уриб юбориш динамикасини аниқлаш, транспорт воситасини идентификация қилиш мақсадида ўтказиладиган трасологик экспертизалар самарадорлигини ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра ЙТХ натижасида ҳар йили 1,25 миллионга яқин инсон ҳаётдан бевақт кўз юммоқда, 20 миллиондан ортиқ одам турли даражада тан жароҳатлари олиб, уларнинг аксарияти ногирон бўлиб қолмоқда¹.

Жаҳонда ЙТХ билан боғлиқ суд-трасологик экспертизаларни ўтказишнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ва ривожлантириш, бу борада эксперт-криминалистик технологияларни, экспертиза тадқиқоти усул ва воситаларини такомиллаштириш, мазкур жараёнга инновацион техник-криминалистик воситалар ҳамда экспертизаларнинг янги, замонавий услубларини татбиқ этиш, шунингдек, суд экспертизаси муассасаларида трасологик экспертизаларни ўтказишнинг ягона илмий асосланган услубиётсини жорий этиш орқали ЙТХ натижасида қолган изларни трасологик тадқиқ этиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-амалий ҳамда инновацион тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда транспорт воситалари, ЙТХнинг сони ортганлиги натижасида улардан жабрланган пиёдалар сони ҳам кўпаймоқда. Жумладан, 2016 йилда содир этилган 10 265 та ЙТХнинг 54 фоизида, 2017 йилда содир этилган 10 044 та ЙТХнинг 55,4 фоизида 2018 йилда содир этилган 8 990 та ЙТХнинг 53,9 фоизида, 2019 йилда содир этилган 8 092 та ЙТХнинг 10,5 фоизида, 2020 йилда содир этилган 6 982 та ЙТХнинг 11,6 фоизида, 2021 йилда содир этилган 10 001 та ЙТХнинг 35,7 фоизида пиёдалар уриб юборилган². Айнан шу масалада 2022 йил 11 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида ҳам таъкидлаб ўтилди. Жумладан, Давлатимиз раҳбари «Бу масалани охириги беш йилда бирор раҳбар, бирорта ташкилот жиддий ва таҳлилий муҳокама қилмаган. Бу соҳа бўйича қонунлар, ишлар мутлақо қониқарсиз. Йўл ҳаракати хавфсизлиги масаласи издан чиқиб кетган. Бу одамларнинг эътирозига сабаб бўлаяпти. Мамлакатимизда 2021 йилда 10 мингдан зиёд йўл-транспорт ҳодисаси содир

¹ Йўл-транспорт ҳодисалари экспертлар нигоҳида // URL: uz24.uz/society/ygl-transport.

² Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг расмий Веб-сайтидаги мавжуд статистик маълумотлар асосида берилмоқда.

этилиб, уларда 9 мингдан ортиқ инсон жароҳатланган. Энг ачинарлиси, 2 минг 500 га яқин одам ҳалок бўлган»¹ деб таъкидлади.

ЙТХ бўйича трасологик тадқиқотлар сифати ва самарадорлигининг пастлиги, тадқиқот натижалари бўйича берилган хулосаларнинг аниқ эмаслиги, жумладан хулоса беришнинг иложи йўқлиги, қўйилган саволга жавоб беришнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги хулосаларнинг ортиб бораётгани натижасида хабарнома ва материалларнинг ижро этилмай қайтарилиши кузатилмоқда. Суд экспертизаси муассасаларида бу турдаги экспертизаларни ўтказишнинг илмий асосланган ягона услубиётсининг маънан эскирганлиги ва бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги тадқиқотларда ҳодиса иштирокчиларининг ўзаро таъсирлашиши (тўқнашиши), одам танаси, кийимлари билан транспорт воситаси сирти орасида катта фарқ борлиги каби ҳоллар ягона услубни қўллаш имконини бермайди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида сўнги йилларда ўртача 5715 та трасологик экспертизалар ўтказилган, уларнинг ўртача: 12,02 %да эҳтимолли шаклдаги хулосалар; 4,7 %да хулоса беришнинг иложи йўқлиги ва 2,47 %да саволга жавоб беришнинг иложи йўқлиги ҳақида хабарнома ҳамда 1,48 %да материаллар ижросиз қайтарилган². Бу эса, ушбу йўналишдаги илмий изланишлар олиб борилиши зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни (10.06.2010 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (05.07.2021 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жинойтларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган (18.04.2017 й.) «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эксперт-криминалистика бош маркази тўғрисида»ги низом, «Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-122-сон қарори (08.02.2022 й.) ҳамда соҳага доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация мавзуси бўйича умумий масалалар республикамизнинг кўплаб олимлари, жумладан: Ғ.А. Абдумажидов, И.А. Азимова, И.Р. Астанов, Л.П. Баканова, З.С.Гиясов,

¹ Халқ сўзи. Йўл ҳаракати хавфсизлигини кучайтириш чоралари муҳокама қилинди // <https://xs.uz/uzkr/post/jol-harakati-khavfsizligini-kuchajtirish-choralari-muhokama-qilindi>.

² Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг 2016–2020 йиллардаги фаолиятига оид статистика.

Ш.Т. Джуманов, И.К. Жасимов, Т.Б. Маматкулов, М.М. Мухамеджанова, А. Норбоев, С.А. Нурумбетова, Т.А. Ромаданова, Т.Р. Саитбаев, Ҳ.А. Тураббаев, Ф.А. Хамраева, Б.С. Хидоятлов, А.Д. Хусанов, Э.И. Чуряков, А.Ю. Якубов ва Л.Ю. Югайлар томонидан ўрганилган.

ЎТХ изларининг трасологик тадқиқотларига оид илмий изланишлар чет эл олимларидан Ю.Н. Багдасарян, В.Д. Балакин, А.Н. Бойко, А.И. Головченко, С.Н. Гонтар, А.Г. Егоров, Н.Ю. Жигалов, А.В. Калякин, И.А. Кантор, И.В. Киселевич; Ю.Г. Корухов, И.К. Коршаков, А.М. Кривицкий, Н.М. Кристи, С.Н. Кубитович, Н.П. Майлис, Г.А. Мозгових, А.А. Рясков, А.А. Проткин, С.А. Смирнова, П.П. Смольяков, З.М. Соколовский, А.Г. Сухарев, В.С. Тишин, Н.А. Уваров, В.А. Ярмақ, В. Lockyer томонидан олиб борилган. Уларнинг илмий ишларида айнан ЎТХда жабрланувчиларнинг транспорт воситалари ва кийимларида ҳосил бўлган изларнинг назарий ва амалий муаммолари тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикасида жиноят ишларини тергов қилиш ва очишда махсус билимлардан фойдаланиш масалаларини И.Р. Астанов, ЎТХни қайд этишнинг криминалистик таъминотини такомиллаштириш А.Д. Хусанов ҳамда трасологик экспертизаларни такомиллаштиришнинг умумий масалалари С.А.Нурумбетова¹ томонидан тадқиқ этилган. ЎТХ натижасида қолган изларнинг трасологик тадқиқоти диссертация предмети сифатида махсус ўрганилмаган. Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ва бошқа хорижий давлатларда бу турдаги экспертиза тадқиқотларини ўтказиш услубиётларининг ижобий жиҳатларини ўрганиш, уларни республикаимиз суд-экспертлик амалиётига жорий қилиш, бу турдаги трасологик экспертизалар услубиётларини янада такомиллаштириш учун айрим хорижий давлатлар илғор тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 2018-2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасидаги «Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ЎТХ натижасида қолган изларнинг трасологик экспертизасини ўтказиш услубиёти сини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий асосланган ҳулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЎТХ бўйича трасологик экспертизанинг моҳияти ва аҳамиятини ёритиш;
трасологик экспертизалар тайинланиши мумкин бўлган ЎТХни таснифлаш;

ЎТХда ҳосил бўладиган изларни криминалистик таснифлаш;

ЎТХ бўйича тайинланадиган трасологик экспертизанинг умумий услубиёти сини таҳлил қилиш;

¹ Бу ва бошқа муаллифларнинг илмий ишлари диссертацияда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ЙТХ бўйича тайинланадиган трасологик экспертизаларни ўтказиш борасидаги хорижий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш;

ЙТХга оид трасологик экспертизалар бўйича мавжуд муаммоларни, унинг аҳамияти ва хусусиятларини ўрганиш, умумлаштириш ҳамда баргараф этиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

турли (тик турган, унга яқин, ётган, унга яқин) ҳолатда бўлган пиёдалар уриб юборилганда транспорт воситалари ва жабрланувчининг кийимларидаги изларнинг асосий белгиларини аниқлаш;

ЙТХ натижасида ҳосил бўладиган изларга кўра автоҳалокат пайтида жабрланувчининг ҳаракатсиз ёки ҳаракатда бўлганлиги, автоҳалокат пайтида автомобиль саломида бўлган шахсларнинг қайси ўриндиқда жойлашганлиги, жабрланувчининг транспорт воситасидан йиқилиш ҳолатини аниқлаш бўйича тегишли экспериментлар ўтказиш ҳамда тадқиқотларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ЙТХ бўйича трасологик экспертиза тадқиқотларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг предмети ЙТХ билан боғлиқ ишлар бўйича транспорт воситаларида, жабрланувчиларнинг кийим ва пойабзалларида из ҳосил бўлиши механизмининг қонуниятлари, бу турдаги экспертизаларни ўтказиш амалиёти, айрим хорижий мамлакатларнинг ушбу масалалар бўйича тажрибаси, криминалистик адабиётлардаги концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, дедукция ва индукция, мантикийлик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўровлари (социологик тадқиқот), давлат суд экспертлари томонидан тузилган эксперт хулосалари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноят ишларини ўрганиш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, кузатиш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат суд экспертиза муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва илмий-услубий раҳбарликни амалга ошириш борасидаги вазифаларни Адлия вазирлиги зиммасига юклаш зарурати асослантирилган;

давлат суд экспертиза муассасалари ва тегишли давлат органлари эксперт бўлинмалари томонидан ўтказиладиган бир хилдаги суд экспертизаларини аниқлаш ва уларни ўтказиш бўйича ягона услубиётни тасдиқлаш зарурати асослантирилган;

йўл-транспорт ҳодисаси натижасида қолган изларнинг трасологик экспертизаси бўйича тадқиқотларни ўтказишда республика ва хорижий давлатлар экспертиза муассасаларининг ўрнатилган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилиши лозимлиги асосланган;

йўл-транспорт ҳодисаси пайтида пиёдани уриб юбориш таснифланган, йўл-транспорт ҳодисасида пиёданинг кийимларида ҳосил бўладиган излар махсус, ўзига хос ва хос бўлмаган излар кабиларга ажратилган, кўрилаётган турдаги трасологик экспертиза ўтказиш бошқичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилган суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш, ташкилий, илмий-услубий ва ахборот билан таъминлаш, суд экспертларининг малакаси ва ҳуқуқий билимларини ошириш, давлат суд экспертиза муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштиришга оид қоидалар асосида Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунининг 4-боби 3-моддаси учинчи ва олтинчи хатбошилари, 25-моддаси иккинчи қисми ишлаб чиқилган.

ЙТҲ бўйича суд-трасологик экспертизаларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва илмий хулосалар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эксперт-криминалистика бош маркази тўғрисидаги низом»нинг 6-банди «а» кичик бандининг иккинчи хатбошиси ишлаб чиқилган.

ЙТҲ бўйича экспертиза тадқиқотларининг ягона услубиётини ишлаб чиқишга доир таклиф ва хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июлдаги Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган концепцияси» 4-боби 1-параграфи 3-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

ЙТҲ бўйича трасологик экспертизалар ва умуман суд экспертизаларининг ягона услубиётини жорий қилиш бўйича таклиф ва хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги қарори билан тасдиқланган 2019–2020 йилларда суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 16-бандини ишлаб чиқишда ҳамда 2021 йил 5 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони 6-банди учинчи хатбошисини шакллантиришда фойдаланилиши экспертиза хулосаларининг илмий асосланганлиги ва ишончлилигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий изланиш натижалари халқаро-ҳуқуқий актлар, миллий қонунчилик нормалари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича илғор хорижий тажрибалари билан, шунингдек социологик сўров ўтказиш, интервью олиш, статистик маълумотлар таҳлилари натижалари билан асослантирилган. Хулосалар, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтган, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган. Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бош марказининг ҳамда Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг 2016–2020 йилларга оид статистик маълумотлари, 200 нафар амалиёт ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларини, жами 1000 та трасологик экспертиза хулосаларини ўрганиш натижалари умумлаштирилган, РСЭМда мавжуд услубиётлар ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий-тадқиқот фаолиятида, суд, тергов ва экспертлик амалиётида, суд экспертизаси соҳасига оид қонун ижодкорлиги жараёнида, соҳага оид ва жинойт-

процессуал қонунчилик нормаларини шарҳлашда, ЙТХ натижасида қолган изларнинг трасологик тадқиқотларини тайинлаш, ўтказиш ва бу турдаги тадқиқотлар услубиёти янада такомиллаштиришда, криминалистика, трасологик экспертиза фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда ҳуқуқшунослик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жиноятчиликка қарши кураш, республикада суд экспертиза муассасаларининг ЙТХ бўйича тайинланган суд-трасологик экспертизаларни ўтказиш амалиёти самарадорлигини, бу турдаги суд экспертиза хулосаларининг асосланганлиги ва ишончлилиги даражасини оширишга, ушбу тоифадаги суд экспертизаларини тайинлаш ва ўтказиш жараёнидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Йўл-транспорт ҳодисаси натижасида қолган изларнинг трасологик тадқиқотини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикасининг давлат суд экспертизаси муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва унга илмий-услубий раҳбарликни амалга ошириш ваколати қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилиши лозимлигига доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги «Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунининг 26-моддаси учинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 21 январдаги 06/1-05/248-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши суд-экспертлик фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

давлат суд экспертиза муассасалари ва тегишли давлат органлари эксперт бўлинмалари томонидан ўтказилган бир хилдаги суд экспертизаларини аниқлаш ва уларни ўтказиш бўйича ягона услубиётни тасдиқлашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги қарори билан тасдиқланган 2019–2020 йилларда суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 16-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ташкилий департаментининг 2021 йил 17 сентябрдаги 33/03-01/2472-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши, йўл-транспорт ҳодисаси бўйича трасологик экспертиза тадқиқотларни ягона услубиёт асосида ўтказилиши, барча суд экспертлари тадқиқотларида аниқланган излар ва белгиларни, шунингдек тадқиқотлар натижаларини бир хилда баҳоланишига, хулосаларининг илмий асосланганлиги, ишончлилиги ва холислигини оширишга хизмат қилган;

хорижий етакчи суд экспертиза, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотлар билан халқаро ҳужжатлар тузиш ҳамда қўшма дастурларни амалга оширишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июлдаги фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида

суд-эспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган концепцияси»нинг 6-боби учинчи бандини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ташкилий департаментининг 2021 йил 17 сентябрдаги 33/03-01/2472-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши барча турдаги экспертизалар, жумладан, йўл-транспорт ҳодисаси бўйича трасологик экспертиза хулосаларининг илмий асосланганлиги, ишончлилиги ва ҳолислигини оширишга хизмат қилган;

илмий тадқиқот натижаларидан, жумладан унинг асосида тайёрланган ўқув-услубик ва ўқув-амалий қўлланмалардан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим курсантлари ҳамда Сиртқи таълим факультети тингловчиларига «Криминалистика», «Тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларининг техник-криминалистик таъминоти», «Трасологик экспертиза» фанларини ўқитишда, Тошкент давлат юридик университетининг таълим жараёнида, «Суд экспертизаси» фани бўйича ўқув (фан) дастурини тайёрлашда ҳамда Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказининг «Адвокатлар малакасини ошириш ўқув курслари»да самарали фойдаланиб келинмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқотининг асосий мазмуни ва илмий натижалари 6 та халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 19 та, жумладан диссертацияларнинг асосий натижаларини эълон қилиш тавсия этилган илмий журналларда 13 та илмий мақола (улардан 3 таси хорижда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, саккизта параграфдан иборат учта боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги асослантилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг ИИВ Академияси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси ҳамда эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«ЙТХ бўйича суд-трасологик экспертизанинг криминалистик аҳамияти»** деб номланган биринчи боби, ЙТХ бўйича суд-трасологик экспертизанинг моҳияти ва асосий вазифалари, суд-трасологик экспертиза тайинланиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисалари, ЙТХда ҳосил бўладиган из ва шикастланишларнинг умумий таснифига бағишланган.

Диссертант ЙТХ бўйича трасологик экспертизанинг долзарблиги, бу турдаги экспертиза тадқиқотларининг объектлари, вазифаларининг аҳамияти юқори бўлганлиги сабабли, ЙТХ бўйича трасологик экспертизалар доирасида ўтказиладиган диагностик тадқиқотларнинг юқорида кўриб чиқилган вазифаларини умумлаштириб ҳамда соҳа мутахассислари (Я.В. Васильев, С.А. Евтюков, А.М. Кривицкий, Н.М. Кристи, Н.П. Майлис, Ю.Б. Суворов, В.С. Тишин ва бошқалар)нинг фикрларини таҳлил қилиш натижаларига асосланиб, ЙТХ бўйича диагностик трасологик тадқиқотларнинг қуйидаги: 1) объектнинг хусусиятлари ва ҳолатини тадқиқ этиш; 2) объектнинг аксларини тадқиқ этиш; 3) ҳодиса натижаларини тадқиқ этиш; 4) юз берган ҳодисаларнинг ўзаро сабабий боғлиқлигини тадқиқ этиш вазифалари мавжудлигини кўрсатган.

Диссертацияда махсус адабиётларни ўрганиш, амалиётчи ходимлар ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари, эксперт хулосаларини ўрганиш ҳамда Х. Сулаймонова номидаги РСЭМда ўтказилган тадқиқотлар натижаларига асосланиб, ЙТХ бўйича ситуацион тадқиқотни самарали ташкил қилиш ва ўтказиш учун зарур оралиқ вазиятларнинг моделлари муаллифлик талқинида шакллантирилган.

ЙТХ бўйича ситуацион трасологик тадқиқотлар оралиқ вазиятларнинг қуйидаги: а) бўлиши лозим бўлган; б) бўлиши мумкин бўлган; в) бўлиши мумкин бўлмаган моделларини инобатга олиб ўтказилади.

Ситуацион тадқиқотларга бундай ёндашув ҳодиса механизмини аниқлаш бўйича ситуацион вазифаларни бажаришга, айнан қайси ҳаракатлар қандай воситалар ёрдамида, қайси кетма-кетликда содир этилганлигини, шунингдек зарур бўлганида қандай мақсадда содир этилганлигини аниқлаш имконини беради.

Диссертацияда ЙТХ бўйича тайинланадиган трасологик экспертизалар услубиётсига оид махсус адабиётлардаги маълумотларни умумлаштириш, ЙТХ бўйича суд-экспертлик фаолиятининг таҳлиллари ва Х. Сулаймонова номидаги РСЭМ мутахассислари билан ўтказилган тадқиқотлар натижаларига асосланиб, муаллиф томонидан пиёдаларни уриб юбориш (босиб кетиш) ЙТХнинг қуйидаги:

пиёдани уриб юборган транспорт воситасининг турига кўра уриб юбориш турлари: пиёдани енгил автомобиль билан уриб юбориш; пиёдани юк автомобили билан уриб юбориш; пиёдани вагон типидagi жамоат транспорти (автобус, троллейбус, трамвай) билан уриб юбориш; пиёдани икки ўқли транспорт воситаси (мотоцикл) билан уриб юбориш;

пиёдани уриб юбориш механизми ва жабрланувчининг тўқнашиш пайтидаги ҳолатига кўра уриб юбориш турлари: фронтал (олд томондан) уриб юбориш; пиёдани автомобилнинг олд қисми чети билан уриб юбориш ва айни вақтда олд ва чет томонга улоқтириш; пиёдани босиб ўтиб кетиш ёки тананинг автомобиль остига тушиши, одамнинг ғилдираклар билан босилмасдан автомобиль тагига тушиши билан кечадиган фронтал уриб юбориш; пиёдани айланиб ўтишга уринишда тегиб кетиш; икки ўқли транспорт воситасида одамни уриб юбориш; пиёданинг транспорт воситаси ёнбошига (баъзан устига) йиқилиши; тик турган ёки шунга яқин ҳолатдаги пиёдани уриб юбориш; ётган ёки шунга яқин ҳолат

бўлган одамни уриб юбориш; транспорт воситаларининг ҳаракати бўйлаб ёки унга қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётган пиёдани уриб юбориш;

бир гуруҳ (икки ёки ундан кўп) пиёдаларни уриб юбориш; одамнинг икки автомобиль орасида қолиб кетиш турлари мавжудлиги аниқланган.

Диссертант В.Д. Балакин, А.И. Головченко, А.Г. Егоров, Н.Ю. Жигалов, И.А. Кантор, И.В. Киселевич; Ю.Г. Корухов, И.К. Коршаков, А.М. Кривицкий, Н.П. Майлис, П.П. Смольяков, А.Г. Сухарев, В. А Ярмак ва бошқаларнинг фикрлари ҳамда мавзуга оид махсус адабиётлар таҳлили асосида «Трасологик излар» тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифини берган: «Трасологик из – бир объектнинг ташқи тузилиши бошқа бир объектда акс этишига олиб келадиган ўзгаришлар». Бундай излар ташқи тузилишнинг акс-излари деб аталади.

Ўтказилган тадқиқот ва таҳлиллар натижасида диссертацияда «из» тушунчасининг асосий элементлари қуйидаги: 1) из – жиноят ҳодисасининг моддий ифодаси; 2) из – моддий воқеликнинг турли ўлчовлардаги акси; 3) из – содир этилган муайян ҳаракат натижасида объектив воқеликда юз берадиган ўзгаришлар ҳақидаги ахборот манбаи; 4) из – ахборот ва ундаги маълумотларнинг сигналли-белгили ифодаланиши; 5) из – белгилар мажмуи сифатида нафақат моддий шаклни, балки алоҳида объектлар, гуруҳлар ёки бир қанча объектлар, жараён ёки ҳодиса, уларнинг хоссалари ҳамда ўзаро алоқаси, шунингдек улар ўртасида таркибий боғланиш бор-йўқлигини ҳам ифодалайди; 6) излар криминалистик хусусиятга эга, деган муаллифлик талқини тақдим этилган.

Диссертант А.И. Головченко, Н.Ю. Жигалов, И.А. Кантор, Ю.Г. Корухов, Н.П. Майлис, П.П. Смольяков, В.А. Ярмак ва бошқаларнинг фикрлари ва социологик тадқиқот натижаларининг таҳлили асосида моддий изларга қуйидаги муаллифлик таърифини берган:

Суд трасологиясида моддий излар – жиноят содир этилиши натижасида моддий шароитда юзага келган ўзгаришларга оид сабабий боғлиқдаги ахборот бўлиб, у айрим нарсалар, уларнинг ўзаро муносабати ва таъсири, хоссалари ва моддий акслари, шунингдек улар ўртасида таркибий боғланишлар бор-йўқлигини кўрсатувчи белгилар.

Диссертацияда «из» тушунчаси ва изларнинг турларини таҳлил қилиш асосида трасологик изларни таснифлаш бўйича муаллиф талқини тақлиф этилган.

Суд экспертиза амалиётининг таҳлили асосида пиёдани уриб юбориш билан боғлиқ ЙТХда ҳосил бўладиган изларни учта асосий турга, яъни махсус, ўзига хос ва ўзига хос бўлмаган изларга ажратиш тақлиф этилган.

Махсус излар – айтиб бир турдаги ЙТХ жараёнида ҳосил бўладиган излар (ва белгилар). Ўзига хос излар – пиёдани уриб юборишнинг муайян тури эмас, балки барча турлари учун умумий бўлган излар. Одам уриб юборишга хос бўлмаган излар эса турли шароитлар билан боғлиқ бўлган, масалан, материалнинг бирор нарсага илиниб қолиши ва чўзилиши натижасида ҳосил бўлган, жумладан, энг кам қаршиликка эга чоклардаги йиртилишлардир.

Муаллиф суд-экспертлик амалиётининг таҳлили, социологик тадқиқотлар натижалари асосида юқоридагиларга қўшимча равишда одамни уриб юбориш жараёнида транспорт воситасида қоладиган одам танаси ва кийими билан кучли таъсирлашишнинг умумий белгилари ҳамда одам танасининг олд ойнага қаттиқ

урилишида кузатиладиган махсус ва ўзига хос излар ҳақида маълумотларни аниқлаган; пиёдани уриб юбориш турига боғлиқ равишда пойабзалда қолиши мумкин бўлган хилма-хил изларини аниқлаган ва таърифлаган.

Диссертант Ю.Г. Корухов ва И.В. Киселевичларнинг фикрларига қўшилиб, тик турган ёки унга яқин ҳолатдаги одамни уриб юборишда, аниқланган изларнинг айнан автоҳалокат натижасида ёки ЙТХ билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳодиса натижасида ҳосил бўлганлигини аниқлашда бир мунча муаммолар юзага келади, деб ҳисоблайди ва ушбу белгиларни:

1) кийим материалларидаги, ихтиёрий турдаги ойнанинг синган парчаларидан ҳосил бўлган кесилишларни санчувчи-кесувчи шикастлардан фарқловчи асосий белгилар:

ойнадан ҳосил бўлган кесилишлар турлича шаклга эга бўлади – ёйсимон эгилган, синган чизик шакллари; кўп ҳолларда уларнинг ҳар икки учи сиртий кесилиш билан катта узунликда давом этади; шиша парчасидан ҳосил бўлган кесилишларнинг қарама-қарши четлари шакли бўйича ўзаро мос тушмайди - бир чети текис кесилган, қарама-қарши чети эса нотекис ва толаларга ажралган бўлади; микроскоп остида кўрилганда кесилишларнинг четларида ипларнинг эркин учларининг турлича узунликда такрорланиши кузатилади; ипларнинг эркин учлари материал текислигига перпендикуляр эмас; толалари турли сатҳда кесилган иплар мавжуд бўлади, алоҳида толаларнинг учлари эзилган ёки иккиланган бўлади; шишадан ҳосил бўлган бир неча кесилишлар мавжуд бўлганда, улар ўзаро турлича шаклларда кесишиши мумкин; кесиш четидан ташқарида, кесилиш бўйлаб бир неча миллиметр масофада, кўндаланг кесилган толалар мавжуд бўлади; кўп ҳолларда, кийим материали ичига шиша парчаларининг кириб қолиши кузатилади.

2) транспорт воситалари ойнаси парчаларидан ҳосил бўлган кесилишларнинг кўшимча фарқловчи белгилари:

кўп миқдордаги майда кесилишлар; кесилишларнинг турлича шакли ва ўлчамлари; очик кесилишлар билан бирга кўплаб сиртий кесилишларнинг мавжуд бўлишини асослаган.

Диссертациянинг «**ЙТХ бўйича суд-трасологик экспертизага оид айрим хорижий давлатлар тажрибаси ва ЙТХга оид суд-трасологик экспертиза бўйича мавжуд муаммолар**» номли иккинчи бобида республикамиз ва хорижий давлатлар суд экспертиза муассасаларининг амалий тажрибаларига асосланиб, ЙТХ бўйича тайинланадиган суд-трасологик экспертизанинг умумий услубиёти, ЙТХ бўйича тайинланадиган суд-трасологик экспертизаларни ўтказиш борасидаги айрим хорижий давлатлар тажрибаси, ЙТХга оид суд-трасологик экспертизалар бўйича мавжуд муаммолар тадқиқ этилган.

Муаллиф республикамиз олимлари томонидан чоп этилган трасологик экспертизага оид адабиётларда ЙТХ натижасида қолган изларнинг трасологик экспертизасини ўтказиш масалалари ёритилмаганлигини, Х. Сулаймонова номидаги РСЭМда ЙТХ натижасида қолган излар бўйича трасологик экспертизалар, асосан Россия Федерацияси, Украина ёки Беларусь Республикасида ишлаб чиқилган услубиётлар асосида ўтказилишини қайд этиб, шу сабабли республикамиз суд экспертиза муассасаларининг суд экспертлари

ихтиёрида ЙТХ бўйича трасологик экспертизаларни ўтказишнинг ягона услубиётси мавжуд эмас, деган фикрни илгари сурган. Бу фикр диссертация тадқиқоти доирасида ўтказилган анкета сўровлари натижалари билан асосланган.

Ишда бундай экспертиза тадқиқотларини ўтказишнинг услубиётсида қуйидагиларга: 1) тайёргарлик; 2) транспорт воситасини кўздан кечириш; 3) транспорт воситасини, унда аниқланган изларни таърифлаш, ўлчаш, фотосуратга олиш; 4) кийим ва пойабзалларни кўздан кечириш; 5) тадқиқот объектлари ва уларда аниқланган изларни таърифлаш, ўлчаш, фотосуратга олиш; 6) микроскоп ёрдамида, зарурат бўлганда эса ультрабинафша нурларда тадқиқотлар ўтказиш; 7) аниқланган изларнинг вазиятни моделлаштириш билан бирга ўтказиладиган таҳлили; 8) ўтказилган тадқиқотлар натижаларини баҳолаш ва якуний хулосаларни шакллантириш; 9) эксперт хулосасига кўргазмали илова – фотожадваллар тайёрлаш; 10) эксперт хулосасини тузишга амал қилиниши кераклиги таклиф қилинган.

Диссертант экспертиза эксперт, терговчи (судья, прокурор, суриштирувчи)нинг процессуал ҳаракатларни амалга оширишда мунтазам ҳамкорлик қилгандагина жинойтларни очишда асосий роль ўйнашини таъкидлаган.

Ишда МДХ мамлакатлари, ХХР, Грузия, ГФР, Литва, Буюк Британия, Нидерландия, Италия, Япония, АҚШ, Швеция, Жанубий Корея ва Франциядаги суд экспертиза муассасаларининг фаолияти, ушбу мамлакатларнинг суд экспертиза масалаларига доир қонунчилиги ҳамда ЙТХ бўйича трасологик экспертизаларни ўтказишнинг хусусиятлари аниқланиб, МДХ давлатлари суд экспертиза муассасаларида қўлланилаётган ЙТХ бўйича трасологик экспертизалар ўтказишнинг ўзига хос **натурали тадқиқот** усулидан кенг фойдаланиш тавсия этилган. Бу усул асосан ЙТХ механизмини ўрганишда қўлланилади. Натурали тадқиқот усули ЙТХ оқибатида баданга етказилган шикастларнинг оғирлик даражасини транспорт воситасининг урилиш вақтидаги тезлиги билан боғлиқликда аниқлаш имконини беради.

Бошқа мамлакатлардан фарқли равишда, ГФР, Литва, Буюк Британия, Голландия, Италия, Япония, АҚШ, Швеция, Жанубий Корея ва Францияда ЙТХ натижасида ҳосил бўлган излар бўйича ўтказиладиган трасологик тадқиқотларда анъанавий криминалистик усуллар билан бирга, **экспериментал усуллар** ҳам қўлланилади. Бунда махсус лабораториялар ва криминалистик полигонларда транспорт воситалари ҳамда манекенлар ёрдамида ЙТХнинг реал шароитлари яратилади.

Диссертант ЙТХ бўйича тергов ва терговга қадар текширувлар ўтказишнинг криминалистик таъминотини янада такомиллаштириш учун хорижий давлатларнинг юқорида таъкидланган тажрибасидан фойдаланиш истиқболлари мавжуд, деган хулосага келган.

ЙТХ бўйича тергов ва терговга қадар текширувларнинг криминалистик таъминотини янада такомиллаштириш учун ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш истиқболлари мавжудлиги инобатга олиниб, республикамиз давлат суд экспертиза муассасаларининг турдош хорижий

муассасалар билан ўзаро ҳамкорлигини тизимли равишда йўлга қўйиш лозим, деган таклиф илгари сурилган.

Республикамизда ўтказилаётган суд-экспертлик фаолиятини таҳлил қилиш ва олинган натижаларни умумлаштириш асосида тадқиқотда ЙТХ бўйича трасологик экспертизаларда қуйидаги муаммо ва камчиликлар мавжудлиги аниқлаган:

содир бўлган ЙТХ бўйича суриштирув ёки тергов жараёнида суд экспертизаларининг ўз вақтида тайинланмаслиги ёки кечикиб тайинланиши (ушбу муаммо суд-экспертлик фаолиятига оид статистик маълумотлар асосида аниқланган);

экспертиза тайинлаётган шахс (орган)нинг ЙТХ бўйича трасологик экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорида эксперт ҳал қилиши учун қўйилаётган саволларнинг нотўғри ифодаланиши (эксперт-трасологнинг ваколатига кирмайдиган ёки юридик хусусиятга эга бўлган саволларнинг қўйилганлиги);

ЙТХ бўйича трасологик экспертизалар тайинлашда экспертга тадқиқот объектлари ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа материалларнинг тақдим қилинмаслиги, айрим ҳолларда эса тадқиқот объектини дастлабки тартибда кўздан кечириш тадбири экспертиза тайинлаган орган (шахс) томонидан ташкил қилинмаслиги (ушбу хулоса Х. Сулаймонова номидаги РСЭМ фаолиятига оид статистик маълумотлар асосида чиқарилган);

мамлакатимиз суд экспертиза муассасаларида ЙТХ бўйича трасологик экспертизаларни ўтказишнинг ягона илмий асосланган услубиётеи йўқлиги.

Ушбу муаммолар диссертация тадқиқоти доирасида ўтказилган сўровлар асосида аниқланган.

Диссертант трасологик экспертизалар тайинланиши ва ўтказилишини таҳлил қилиш асосида суд экспертлари кўпинча трасологик экспертизалар ўтказишда йўл қўйилаётган ва ушбу соҳадаги жиддий муаммолардан бўлган хатоларни ҳам аниқлаган.

Муаллиф Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунида қўлланилган «текшириш», «текширув» атамалари суд-экспертлик фаолиятининг моҳиятини тўлиқ қамраб олмаганлигини таъкидлаган. Суд экспертизаларини ўтказишда тақдим этилган ҳар қандай объект суд экспертизаларининг илмий услубиётларини қўллаб тадқиқ этилади.

Экспертиза тадқиқотлари жараёни камида тўртта босқичга: 1) дастлабки тадқиқот; 2) батафсил тадқиқот (алоҳида тадқиқотлар; эксперт эксперименти; қиёсий тадқиқотлар); 3) тадқиқот натижаларини баҳолаш (умумлаштириш) ва хулосаларни (якуний жавобни) шакллантириш; 4) тадқиқот натижаларини расмийлаштириш (якуний босқич)га бўлинади.

Ҳар бир босқич ўзидан кейинги босқичга тайёргарлик кўриш ва ўтиш имконини яратади. Бундан ташқари, аввалги босқич кейинги босқичдан сўнг такроран ўтказилиши ҳам мумкин. Суд экспертизаларини ўтказиш услубини оқилона танлаш, ҳар бир усулни муайян кетма-кетликда қўллаш ҳамда бу жараёнда бошқа фанларнинг қонуният ва усулларидан фойдаланиш, ҳар бир босқични самарали амалга оширишга қўйиладиган талаблардан ҳамда бу жараёнда ишончли натижа олиш мақсадида тақдим этилган объектларни рухсат

этилган даражада ўзгартириш ёки ишлатиб юборилиши ҳолатларидан кўриниб турибдики, суд экспертизалари жараёнида текшириш эмас, балки илмий тадқиқот ўтказилади. Шу боис «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунда ишлатилган «текшириш» ва «текширув» сўзларини «тадқиқот» атамасига ўзгартириш лозимлиги таклиф асосланган.

Диссертантнинг фикрича, суд эксперти алоҳида турдаги экспертизаларни ўтказишда юқорида санаб ўтилган комплекс тадқиқотларнинг барчасини бир ўзи ўтказиши мумкин, чунки, суд экспертиза муассасаларида фаолият юритадиган суд экспертида бир неча турдаги суд экспертизасини мустақил ўтказиш ҳуқуқи бор. Комплекс экспертизаларнинг юқорида келтирилган ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, суд эксперти томонидан бир мутахассислик доирасида турли услуб ва услубиётларни қўллаб ўтказилган экспертиза комплекс экспертиза ҳисобланмайди, бироқ, суд эксперти томонидан турлича (бир неча) мутахассисликларга оид услубиётларни қўллаб ўтказилган экспертизани комплекс экспертиза деб ҳисоблаш лозим, дейди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунининг 19-моддаси 1-бандига қуйидаги қўшимчани киритиш таклиф қилинган: «Суд экспертизаси бир хил (комиссиявий суд экспертизаси) ёки турли хил (комплекс суд экспертизаси) суд эксперт ихтисослигидаги бир неча суд эксперти ёхуд турли хил суд эксперт ихтисослиги бўйича етарлича малакага эга бўлган бир эксперт томонидан ўтказилиши мумкин». Мазкур қонуннинг 21-моддасига қуйидаги 2-бандни киритиш таклиф қилинган: «Комплекс суд экспертиза бир ёки бир неча суд экспертлари томонидан турли хил суд эксперт ихтисослигига оид махсус билимлардан фойдаланиб ўтказилади».

Ишда «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунда юридик атамалар билан боғлиқ яна бир неча муаммолар мавжудлиги аниқланган. Уларни бартараф қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунининг 3-моддаси учинчи ва олтинчи хатбошиларидаги «хўжалик» деган сўзни – «иқтисодий» деган сўзга, 25-моддасининг иккинчи қисмидаги «фуқаролик ва хўжалик ишлари» деган жумлани «фуқаролик ишлари ва иқтисодий ишлар» деган жумлага алмаштириш ҳамда 4-бобнинг номини «Суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш, ташкилий, илмий-услубий ва ахборот билан таъминлаш» деган номини «Суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш, ташкилий, илмий-услубий ва ахборот билан таъминлаш. Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш» деб ўзгартириш таклиф этилган.

Диссертант суд экспертлик амалиётининг таҳлили, ИТХ бўйича ва умуман трасологик экспертизаларни тайинлаш ва ўтказишдаги муаммолар ва хатоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича қуйидагилар:

давлат суд экспертиза муассасалари томонидан ўтказиладиган бир хилдаги суд экспертизаларини аниқлаш ва уларни ўтказиш бўйича ягона идоралараро услубиётни тасдиқлаш;

суд-экспертлик масалаларини ҳал қилишнинг илмий асосларини такомиллаштириш ва ягона илмий-услубик ёндашувларини ишлаб чиқиш таклиф қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби «**ЙТХ бўйича суд-трасологик экспертиза ўтказиш услугиётини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари**»га бағишланган бўлиб, унда турли ҳолатдаги пиёдаларни уриб юборишда транспорт воситалари ва жабрланувчининг кийимларида қоладиган изларнинг асосий белгилари ҳамда ЙТХ натижасида ҳосил бўладиган изларга кўра автоҳалокат пайтида жабрланувчининг ҳаракатсиз ёки ҳаракатда бўлганлиги, автоҳалокат пайтида автомобиль саломида бўлган шахсларнинг қайси ўриндикда жойлашганлиги, жабрланувчининг транспорт воситасидан йиқилиш ҳолатини аниқлаш бўйича суд-трасологик экспертизанинг ягона услугиётси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот жараёнида турли ҳолатда бўлган пиёдаларни уриб юборишда транспорт воситаларидаги ва жабрланувчининг кийимидаги излар ҳамда уларнинг асосий белгилари ўрганилган.

Махсус адабиётлардаги (И.А. Азимова, В.Д. Балакин, И.В. Киселевич, И.К. Коршаков, Ю.Г. Корухов, Т.А. Ромаданова, Ф.А. Хамраева, Э.И. Чуряков) хулосалар ва суд-экспертлик амалиётининг таҳлилларига асосланиб, ЙТХ бўйича ўтказиладиган трасологик экспертиза услугиётсида бу излар шартли равишда «классик излар» деб номланган. Классик маълумотларга қўшимча равишда мавжуд услугиётни янада бойитиш мақсадида ЙТХдаги бир гуруҳ шахсларни уриб юбориш ҳолатига алоҳида тўхталиб ўтилган, амалий фаолият ҳамда диссертация иши бўйича ўтказилган социологик сўров натижаларининг таҳлилларига асосланиб, бундай уриб юборишларнинг қуйидаги белгилари аниқланган:

автомобилнинг олдинги қисмида кенг ва катта ҳажмли шикастлар ҳосил бўлади, баъзида, бу шикастлар автомобилни бошқа транспорт воситаси билан тўқнашганда ҳосил бўладиган изларга ўхшаб кетади. Бундай ҳолларда, трасологик экспертизада ҳал қилиш учун асосан ситуацион (вазиятга оид) саволлар берилади;

излар бир неча: тик ҳамда бўйлама чизиқлар бўйлаб тақсимланади ва автомобиль олдинги қисмининг бутун кенлиги бўйлаб, бир-биридан муайян масофада жойлашади. Баъзида бир одамни уриб юбориш излари транспорт воситасининг олдинги қисмидаги деталларда, бошқа одамни уриб юбориш излари эса ёнбошидаги деталларда мавжуд бўлади (биринчиси жабрланувчини фронтал уриб юбориш, иккинчиси жабрланувчига ён томони билан тегиб кетиш);

бир қатор омиллар таъсирида юқоридаги излар гуруҳининг бирида жабрланувчини олди ойна ёки кузов томига улоқтирилиши излари билан, иккинчи гуруҳида эса жабрланувчини капот чети ва қанотларга улоқтирилиши излари (иккинчи жабрланувчини қанотдан четга – ташқарига улоқтирилиши) билан яқунланиши мумкин.

Юқоридаги фикрларни диссертация иши бўйича ўтказилган сўровларда респондентларнинг 71 % қўллаб-қувватлаган.

ЙТХ трасологик экспертизасининг ягона услугиётсида транспорт воситасининг ён томони билан тегиб кетиш ва ғайриоддий шароитларда уриб юбориш каби кам учрайдиган турларининг хусусиятлари ҳам акс этиши керак. Шу боис, диссертацияда ЙТХнинг транспорт воситаси билан тегиб кетиш ва

ғайриоддий шароитларда уриб юбориш каби кам учрайдиган турларининг хусусиятлари ўрганилган, тегишли белгилари ишлаб чиқилган. Диссертацияда транспорт воситасининг ёни билан пиёдаларни уриб юбориш орқали кечадиган ЙТХ таснифланган.

Диссертантнинг таъкидлашича, жабрланувчининг кийими ва пойабзалида ҳосил бўлган из, шикастланишлар ва баданига етказилган жароҳатлар:

ЙТХ пайтида пиёдани уриб юборган транспорт воситасининг тури; транспорт воситасининг из қолдирган қисми ёки деталлари; транспорт воситасининг ҳаракати йўналиши, пиёданинг тўқнашувдан аввалги ва кейинги ҳолати; автомобиль салони ичидаги ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳолати; ЙТХ пайтида пиёдани уриб юборган транспорт воситасининг русуми, баъзан эса транспорт воситаси турини аниқлаш имконини беради.

Юқорида баён этилганлар асосида тик турган ва унга яқин ҳолатда бўлган пиёдаларни уриб юборишда уларнинг кийими ва пойабзалида из ҳосил бўлишининг қуйидаги асосий қонуниятлари ишлаб чиқилган:

таъсирлашиш соҳаси, урилиш кучи, пиёда танаси оғирлик марказининг жойлашиши, уриб юбориш босқичларига боғлиқ ҳолда изларнинг икки гуруҳи: бирламчи – автомобиль кузовининг туртиб чиқиб турувчи қисмларида жойлашган ва иккиламчи – одам танасини урилишдан кейинги капот (олди ойна) устига ёки капотга тегмасдан олди ойна ва кузов томига улоқтирилишида ҳосил бўладиган изларнинг ҳосил бўлиши;

